

А Ж Р И М

2023 йил октябрь ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди Бухоро шаҳар “А.Сифатмуьин” МФЙ, А.Сомий кўчаси 4/6-уй, 6-хонада, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Бобоев, судья ёрдамчиси А.Рузиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси Ф.Шамсиевнинг иштирокида, судланувчи Юсупов Карим Райим ўғлига оид №1-2001-2305/649-сонли ишни кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Юсупов Карим Райим ўғли (Yusopov Karim Rayim o'g'li), 1996 йил 27 январда Когон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, “Миттивой” МЧЖда ҳайдовчи, Когон тумани “Туткунда” маҳалла фуқаролар йиғини, Туткунда қишлоғи 201-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 29 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Юсупов Карим Райим ўғли 2023 йил 19 июль куни соат тахминан 12:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 80/374NBA давлат рақам белгили автомашинаси билан Бухоро шаҳар А.Сомий кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли бўйлаб, автомашинани “Соғдиана” ресторани чорраҳаси томонидан “Алпомиш” кўчаси томон бошқариб бориб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 3-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, йўл ҳаракати қоидаларини ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 2 боб 11-бандининг “г” кичик бандидаги ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши мажбурлигига, 11-боб 77-бандидаги



ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклигига, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклига, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига, 17-боб 110-бандидаги агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, кўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкинлигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузиб, ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг ўнг томонида турган фуқаро Обидова Моҳира Шариповнани автомашинасининг олд қисми билан уриб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилган, суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Бухоро филиалининг 28.08.2023 йилдаги 1569-сонли эксперт хулосасига кўра, М.Обидованинг 2-бел умуртқа танасининг компрессион синиши ҳамда чап товон суягининг ёпиқ синиши каби оғирлик даражаси бўйича ўрта оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган йўл транспорт ҳодисасини содир қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Юсупов Карим Райим ўғли, айбига иқрорлик билдириб, 2023 йил 19 июль куни соат тахминан 12:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 80/374NBA давлат рақам белгили автомашинаси билан Бухоро шаҳар А.Сомий кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли бўйлаб, автомашинани “Соғдиана” ресторани чорраҳаси томонидан “Алпомиш” кўчаси томон бошқариб бориб, ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг ўнг томонида турган фуқаро Обидова Моҳира Шариповнани автомашинасининг олд қисми билан уриб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлигини, сўнггра дарҳол жабрланувчини шифохонага олиб борганлигини, даволаниш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаб берганлигини, ҳозирги вақтда жабрланувчи билан ўзаро келишиб ихтиёрий равишда ярашганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, жабрланувчи билан ярашганликлари муносабати билан унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўраб, судга ярашганлиги ҳақидаги аризасини тақдим қилди.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Обидова Моҳира Шариповна, 2023 йил 19 июль куни соат тахминан 12:00 ларда А.Сомий кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли бўйида йўл четида турганида “Дамас” русумли, 80/374NBA давлат рақам белгили автомашинаси олд томони



билан уриб юборганлигини, қаттиқ тан жароҳати олганлигини, автомашина ҳайдовчиси уни ўша заҳоти шифохонага олиб борганлигини, ҳозирги вақтда К.Юсупов унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди ва судга бу ҳақдаги аризасини тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, иш ҳужжатларидаги жабрланувчи ва судланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг, судланувчи К.Юсуповга оид жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи К.Юсуповнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, ярашувга тушишини инобатга олиб, Юсупов Карим Райим ўғлига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Обидовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423,582-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи Юсупов Карим Райим ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, К.Юсуповга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма кунлик муддатда мазкур суд орқали Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция



тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга киргандан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Бобоев

